

Ражонинг тўғрилиги аломати тоатнинг гўзаллигидадир | Тазкия дарслари (246-дарс)



19:00 / 09.09.2023 3116

Араб тилида «ражо» сўзи умидсизликнинг тескариси, «умидворлик» маъносини англатади. Фақат ражода умидга хавф ҳам аралашган бўлади.

Уламолар ражони қуйидагича таърифлаганлар:

Роғиб: «Сурур бағишловчи нарсанинг ҳосил бўлишини тақозо қилувчи ишонч ражодир», деган.

Муновий: «Ражо бир сабабни тақдим қилгандан кейин ундан келадиган манфаатни кутишдир», деган.

Абдулкарим Қушайрий: «Ражо қалбнинг келажак маҳбубга боғланишидир», деган.

Бир қавлда: «Ражо Аллоҳ таолонинг фазли-карамидан умидвор бўлишдир», дейилган.

Арабларда бир нарсани орзу қилиб, ортидан дангаса бўлиш ва жиддий ҳаракат қилмасликка «таманний» дейилади. Ражо эса бунинг тескарисидир. Унда бир нарсадан умидвор бўлгани учун унга эришиш йўлида жидду жаҳд қилинади.

Ражо ҳақида келган оятлардан намуналар:

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида...

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида шундай деб марҳамат қилади:

﴿الْعَلِيمُ السَّمِيعُ وَهُوَ لَا تَأْتِيهِ آجَلٌ فَإِنَّ اللَّهَ لِقَاءُ يُجْوَكَانَ مَنْ

«Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳнинг «муддат»и келувчидир. У ўта эшитувчидир, ўта билувчидир» (5-оят).

Фотир сурасидаги қуйидаги ояти карима ҳам Аллоҳ таолонинг беқиёс марҳаматидандир. Зеро, Аллоҳ таоло бандаларининг холисона қилаётган ибодатларини, амалларини «ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат» деб баҳоламоқда:

﴿تَسْبُورَ لَنْ تَجْرَةَ يَرْجُوبَ وَعَلَانِيَةً سِرًّا رَزَقْنَهُمْ مِمَّا وَأَنْفَقُوا الصَّلَاةَ وَأَقَامُوا اللَّهَ كَتَبَ يَتْلُونَ الَّذِينَ إِنَّ

«Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора нафақа қиладиганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар» (29-оят).

Зумар сурасидаги қуйидаги ояти каримада Аллоҳ таоло ражога – умидворликка ҳақдор бандаларини шундай таърифлайди:

﴿الْأَلْبَابِ أُولُوا يَتَذَكَّرُ إِنَّمَا يَعْلَمُونَ لَا وَالَّذِينَ يَعْلَمُونَ الَّذِينَ يَسْتَوِي هَلْ قُلُّ رَبِّهِ رَحْمَةً وَرَبِّجُوا الْآخِرَةَ يَحْذَرُ وَقَائِمًا سَاجِدًا الْإِنْبَاءَ قَنِتٌ هُوَ أَمَّن

«Ёки у кечалари ибодат қилиб, сажда этган, бедор ҳолида охиратдан кўрқиб, Роббининг раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?! Сен: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!» - деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар» (9-оят).

Ражо ҳақида келган ҳадислардан намуналар:

هُلِّلَا يَضَرَّ ۖ زَيْرُهُ يَبْأُنَع
هُلِّلَا لُؤْسَرَّ لَاقُ ۖ لَاقُ هُنَع
مَّ لَسَّو ۖ هَيْلَعُ هَلِّلَا يَّ لَص
: ۖ اَدْعُ لَ ا ۖ ا لَص ۖ ذُنَع ۖ لَ ا ل بِل
يَجْرَابُ يَنْتِ دَحُ ۖ لَ ا ل ب ا ي «
ي ف ك ذُنَعُ ه ت ل م ع ل م ع
ي ن ا ف ۖ ۖ عَ ف ن م م ا ل س ا ل ا
ف ش خ ۖ ه ل ي ل ل ا ت ع م س
ي ف ي د ي ن ي ب ك ي ل ع ن
ت ل م ع ا م ۖ لَ ا ل ب لَ ا ق ۖ « ۖ ن ج ل ا
ي ج ر ا م ا ل س ا ل ا ي ف ا ل م ع
ا ل ي ن ا ن م ۖ عَ ف ن م ي دُنَع
ۖ ع ا س ي ف ا م ا ت ا ر و ه ط ر ه ط ا

تَيْلَصُ إِلَّا رَأَىٰ نَاصِيَةً
هَلْ لَاحَظْتَ أَمْرَهُ طَلَاكَ لَذِبُ
مَلْسُومٍ هَؤُورٍ. يَلْصُقُ نَاصِيَةَ
تُعَمَّسُ «: هُظْفَالٌ وَيُرَاحُ بِلَاوِ
يَفِي دِي نِي بَكَ يَلْغَنُ فَدِ
«: نَجَلَا».

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Бомдод намозидан сўнг Билолга:

«Эй Билол, менга ўзингнинг Исломда қилган манфаатли ишларингдан энг умидлисини айтиб бер. Бу кеча жаннатда, олдимда сенинг кавушингнинг шитир-шитирини эшитдим», дедилар.

Шунда Билол:

«Исломда қилган манфаатли ишларимдан энг умидлиси кечасими, кундузими, қай соатда таҳорат қилсам, албатта, ўша таҳоратим билан Аллоҳ менга фарз қилган намозни ўқиганимдан бошқа нарса эмас», деди».

Муслим ва Бухорий ривоят қилишган.

Бухорийнинг лафзида:

«жаннатда, олдимда сенинг кавушингнинг дупурини эшитдим», дейилган.

هُلِّلَا يِضَرَ ةٌذِي رُبِّي بَأْنَع
هُلِّلَا لُؤْسَرَ حَبْصًا لِقَاقُ هُنَع
أَيُّ « لِقَاقُ فِالْبِ اَعَدَفِ
يَلِي يِنْتَقِبَسَ مَبُ، لِبِ
طَقَ ةٌنَجُّلَا تُلَخَدَامُ؟ ةٌنَجُّلَا
كَتَشَخُشُخُ تُعَمَسُ اَلِإِ
ةٌنَجُّلَا ةٌحِرَابُ لُتُلَخَدُ، يِمَامَا
، يِمَامَا كَتَشَخُشُخُ تُعَمَسُ فِ
عَبْرُمِ رُصَقِ يَلَعُ تُتَيَاتُفِ
تُلُقُفِ، بَهَذُ نِمِ فِرْشُمِ
:أُولَاقُ؟ رُصَقُ لَا اَذَهُ نِمِ
أَنَا: تُلُقُفِ، بَرَعُ لَا نِمِ لُجَرِ
؟رُصَقُ لَا اَذَهُ نِمِ، يِبَرَعُ

ۛشۛيۛرۛقۛ نۛمۛ لۛجۛرۛلۛ : اۛوۛلۛ اۛقۛ
 اۛذۛهۛ نۛمۛ لۛ ۛيۛشۛرۛقۛ اۛنۛ اۛ : تُۛتۛلۛقۛفۛ
 ۛمۛ اۛ نۛمۛ لۛجۛرۛلۛ : اۛوۛلۛ اۛقۛ ؟ رۛصۛقۛ لۛ اۛ
 نۛمۛ لۛ ۛدۛمۛ حۛمۛ اۛنۛ اۛ : تُۛتۛلۛقۛفۛ ۛدۛمۛ حۛمۛ
 نۛبۛ رۛمۛ عۛلۛ : اۛوۛلۛ اۛقۛ ؟ رۛصۛقۛ لۛ اۛذۛهۛ
 اۛيۛ : لۛ اۛلۛ بۛ لۛ اۛقۛ فۛ ، «بۛ اۛطۛخۛ لۛ اۛ
 اۛلۛ اۛ طۛقۛ تُۛنۛ ذۛاۛ اۛمۛ ۛهۛلۛ لۛ اۛ لۛ وۛسۛرۛ
 اۛمۛ وۛ ۛنۛيۛ تۛ عۛكۛرۛ تُۛيۛ لۛ صۛ
 اۛلۛ اۛ طۛقۛ تُۛدۛحۛ يۛ نۛبۛ اۛصۛاۛ
 ۛهۛلۛ لۛ نۛ اۛ تُۛيۛ اۛرۛوۛ ، اۛهۛذۛنۛ عۛ تُۛاۛضۛ وۛتۛ
 لۛ وۛسۛرۛ لۛ اۛقۛ فۛ ۛنۛيۛ تۛ عۛكۛرۛ يۛ لۛ عۛ
 ۛيۛ ذۛمۛ رۛتۛ لۛ اۛ هۛاۛوۛرۛ . «اۛمۛ هۛبۛ» : ۛهۛلۛ لۛ اۛ

Абу Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам тонг чоғида Билолни чақирдилар ва унга:

«Эй Билол, нима ила мендан олдин жаннатга кирдинг? Қачон жаннатга кирсам, албатта олдимда сенинг шитир-шитирингни эшитаман. Бу кеча ҳам жаннатга кирдим ва олдимда сенинг шитир-шитирингни эшитдим. Сўнг бир олтиндан бўлган тўртбурчак ва баланд қасрга келдим:

«Бу қаср кимники?» дедим.

«Бир араб одамники», дедилар.

«Мен арабман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Қурайшлик бир одамники», дедилар.

«Мен қурайшликман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Муҳаммаднинг умматидан бир одамники», дедилар.

«Мен Муҳаммадман. Бу қаср кимники?» дедим.

«Умар ибн Хаттобники», дедилар.

Шунда Билол:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Қачон азон айтсам, албатта, икки рақъат намоз ўқидим. Қачон таҳоратим кетса, албатта ўша вақтнинг ўзида таҳорат қилдим ва менинг зиммамда Аллоҳ учун икки рақъат намоз бор деб билдим», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўша икки нарса билан экан», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

هَلَلَا يَضَرَّ رَعِيْرَهُ يَبَأْنَع
هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَأْهُنَع
هَلَلَّ نَأْ: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيَلَع

ةَمْحَرَ اَهُنَمَ لَزْنَآ ؕ ةَمْحَرَ ةَئِام
سَنُاِلْ اَوْ نَجْلَا نِيَبَّ ةَدِحْ اَوْ
اِهْبَفٍ ؕ مْاَوْهَلْ اَوْ مِئْاَهْبَلْ اَوْ
اِهْبَوٍ ؕ نَوْفَطَاعَتِي
فِطَعَتِ اِهْبَوٍ ؕ نَوْمَحَارَتِي
هُلَلَا رِّخْ اَوْ ؕ اِهْدَلْ وَاِلَعُ شُخْوَلَا
مُخْرِي ؕ ةَمْحَرَ نِيْغُسْتِ وَاْغُسْتِ
. «ةَمَايْقُلَا مَوْيُ ؕ ةَدَابِعْ اِهْب
يْ ذِمْرَتْلَا وَاِنْ اَخِي شَلَا هَاوْر

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг юзта раҳмати бордир. Улардан биттасини жин, инс, ҳайвонот ва ҳашаротлар орасига нозил қилгандир. Бас, ўша ила улар бир-бирларига меҳр ва раҳм кўрсатадилар. Ўша ила ваҳший ўз боласига меҳр кўрсатади. Аллоҳ тўқсон тўққизта раҳматни кейинга қўйган. Улар ила қиёмат куни бандаларига раҳмат кўрсатади», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

هَلْ لَّا يَضَرِّ لَبَجِ نُبْ ذَاغُمُ نَع
يَبِّنَّا فِدِرْتُ نُنْكَ «: لَّا قُ هُنَع
مَلَسَّوْ هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلَّص
زِيْفُعُ هَلْ لَّا قُ يِ رَامِحِ يَلَع
أَمْ يَرَدَتْ لَهْ ، ذَاغُمُ أَيِ «: لَّا قَف
قَحْ أَمْوِ دَابِغُلَا يَلَعِ هَلْ لَّا قَح
: تَلُقُ «: هَلْ لَّا يَلَعِ دَابِغُلَا
: لَّا قُ ، مَلَعُ هَلْ لَّا وَسَرَوُ هَلْ لَّا
دَابِغُلَا يَلَعِ هَلْ لَّا قَحْ نَأْفِ «
أُولُكِرْشِي أَلَوِ هَلْ لَّا أُوْدُبْغِي نَأ
يَلَعِ دَابِغُلَا قَحْ وِ ، أَيِّي شِهْ
أَلْ نَمَ بَدْعِي أَلْ لَجْ وِ زَعِ هَلْ لَّا
أَيِ : تَلُقُ . «: أَيِّي شِهْ هَبْ كِرْشِي

رُشَبُّ الْفَأْ، هَلْ لَ الْوُسَرِ
مُهْرُشَبُّتُ الْ «لَاقِ؟ سَأَنْ لَ
نَاخِي شَلْ هَاوَرِ. «أَوْلَكُتَيَفِ
يِذْمُرْتَلْ أَوْ

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Уфайр номли эшакда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларига мингашиб борар эдим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Муъоз, Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи нима-ю, банданинг Аллоҳдаги ҳаққи нима эканини биласанми?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчилар», дедим.

«Албатта, Аллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи уларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари, Унга бирор нарсани ширк келтирмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳ азза ва жалладаги ҳаққи эса ким Унга бирор нарсани ширк келтирмаса, ўшани азобламаслигидир», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, одамларга башорат берайми?» дедим.

«Уларга башорат берма, яна суяниб қолмасинлар», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

يِبْنُ لَ نَعِ، رِيْرُهُ يِبْ أ نَعِ
مَلَسَ وَسَوِ هِيْلَعِ هَلْ لَ يِلَصِ

لَجَّوْزَعُ هَلْ لَّا يَضَقُّ أَمَلٌ «: لَأَقِ
وَهُفِّ بِبَاتِكَ يَفِ بَاتِكَ قَلْخُ لَأِ
نَا: شَرْعُ لَأَقِ وَفِ هَذَا ذَنْعُ
«يَبْضَغُ تَقَبَّسُ يَتَمَّحَرُ
يَذُمَّرَّتْ لَأَوِ نَأْخِي شَلْ لَأُ هَأَوِرُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла халойиқнинг тақдирини қазо қилган чоғда Ўз ҳузуридаги, Арш устидаги китобга «Албатта, раҳматим ғазабимдан илгаридир», деб ёзди», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Ражо ҳақидаги асарлардан намуналар:

Абу Нуъайм ўзининг «Ҳулятул авлиё»сида Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Ҳошимдан ривоят қилади:

«Зуннун Мисрий ўз дуосида қуйидагиларни айтганини эшитдим:

«Аллоҳим! Рағбатим Сенигина қасд қилур. Ҳожатимни Сендангина сўрарман. Талабим нажотини Сендангина ражо қилурман. Сўровларим калитлари фақат Сенинг қўлингдadir. Яхшилиқни Сендан бошқадан сўрамасман ва Сендан ўзгадан ражо қилмасман. Фазлингни билганимдан кейин раҳматингдан ноумид бўлмасман».

Имом Шофеъий ўлимлари олдидаги беморликларида:

«Қалбим моғор босиб, мазҳабим тор бўлганда,

Ражони Сенинг афвингга нарвон қилурман», деган.

Суфён Саврий: «Ким бир гуноҳ қилса ва уни Аллоҳ таоло тақдир қилганини билиб, У Зотнинг мағфиратини ражо қилса, Аллоҳ унинг гуноҳини мағфират қилур», деган.

Шоҳ Кирмоний: «Ражонинг тўғрилиги аломати тоатнинг гўзаллигидадир», деган.

«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.